ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 81 (9.578) 2001 йил 13 июль, жума ◆ Сотувда эркин нархда




ИСТИҚЛОЛ —ТАҚДИРИМДА

# Меҳнатим — фахрим

**● Захро ЮСУПОВА, «Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси» ҳиссадорлик жамияти цех бошлиғи, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси:**

— Ҳар куни қадрдон масканим — ўзим меҳнат қилаётган жамоам сари отланар эканман, қалбимда 30 йилдан ортиқ умрим ўтган, унибўсган корхонамга, ҳамкасбларимга ажиб бир меҳр, интилиш пайдо бўлади. Айниқса, Мустақиллик йилларида пайдо бўлаётган имкониятлар, тадбиркорлик, ташаббускорлик, эркин меҳнат учун яратилаётган шарт-шароитлар менимча ҳар бир инсонни яшашга, яратишга, Ватан равнақи, фарзандлар келажаги учун қайғуришга, муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Бугунги кунда иқтисодиётимиз ривожи йўлида амалга оширилаётган ишлар мени ҳам бефарқ қолдирмайди. Биз бозор иқтисодиёти шароитида омбор учун эмас, харидор учун маҳсулот ишлаб чиқаришга, унинг рақобатбардош турларини яратишга, жаҳон бозорида ўз ўрнимизни топишга астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Бу, албатта, юраги юрт ишқи билан ёнган ҳар бир меҳнаткаш инсонни қувонтиради, қалбини фахрга тўлдиради деб ўйлайман. Шу боис ҳам ушбу жаннатмакон юртимизда барча эзгу ишларнинг бошловчиси, яратувчиси ўзимиз бўлмоғимиз лозим.

Мустақилликнинг ўтаётган ўн йилига назар ташлар эканман, унинг залворли одимлари кўз ўнгимда намоён бўлади. Мана шу одимларнинг шаҳдамлиги, ўктамлигини кўриб фахрланаман. Шубҳасиз, ана шу одимларда биз ишчиларнинг ҳам ўзимизга яраша ҳиссамиз бор. Шу боис ҳам ўз вазифамни сидқидилдан бажаришга, ҳар доим ҳамкасбларимга ўрнак бўлишга интиламан. Яна шу нарсадан беҳад мамнун бўламанки, истиқлолнинг тотли меваси мени ҳам четлаб ўтмади. Ўтган мустақиллигимизнинг 9 йиллиги байрами арафасида бахтли инсонлар қаторида мен ҳам юксак мукофот соҳиби бўлиб, қилган меҳнатларим фахримга айланди. Республикамиз Президентининг Фармонига кўра «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландим. Бу Истиқлолнинг шарофати, эркин, озод юртимнинг иноятидир.

Ана ўша куннинг ҳаяжони ҳамон қалбимда. Меҳнат қилар эканман, ўша ҳаяжон менга мадад бўлади, қанот, куч-қувват беради. Мукофотни янада кўпроқ меҳнатим билан оқлашга ундайди. Ҳамкасб шогирдларим Ҳалима Исломова, Маҳфуза Аҳмаджонова, Маҳфуза Ҳамидова, Шоира Тожиевалар билан ҳамжиҳатликда корхонада яратилган қулай иш шароитидан фойдаланиб сифатли бош кийимлар тикишга ҳаракат қилаяпмиз.

Энг муҳими, бугун тўрт нафар фарзандим — Нодиржон, Назокат, Нозимжон, Иродалар Мустақиллик туфайли ёшларимизга берилаётган имкониятлардан фойдаланишмоқда. Энг эзгу мақсадим улар юртим равнақига муносиб ҳисса қўшувчи инсонлар бўлиб етишсин. Мен уларда мамлакатимизнинг порлоқ келажагини кўрар эканман, илоё юртимга кўз тегмасин, унинг ҳар бир хонадони кутлуғ остонаси обод бўлсин дея ният қиламан.



*Шу кунларда пойтахтимизнинг Навоий кўчасида катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мустақиллик байрамининг 10 йиллиги арафасида бу кўча бутунлай бошқача, гўзал манзара касб этади.*
*СУРАТДА: «ТошГИИТИ» институти геодезия бош мутахассиси Рустам Османовни кўриб турибсиз.*

*Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.*

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

## Тошкент — Шанхай:

# Алоқалар мустаҳкамланмоқда

**Яқин кунлар ичида пойтахтимизга Шанхай делегацияси ташриф буюради. Бу Хитой делегациясининг 1994 йилдан, яъни Шанхайда икки томонлама алоқаларни ўрнатиш тўғрисида икки шаҳар мэрлари томонидан шартнома имзоланган вақтдан буён бўладиган иккинчи расмий ташрифдир.**

Маълумки, 1997 йилда шаҳарлар делегациялари айрибошланди, томонлар шаҳар хўжалиги барча тармоқларидаги бир-бирларининг тажрибаларини диққат-эътибор билан ўргандилар.

Шанхайнинг доимий вакили Чжань Хуэсин бошчилигидаги Хитой делегациясининг бу галги ташрифи ўзаро манфаатли алоқаларни, хусусан, ишлаб чиқариш ва савдодаги алоқаларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқдир. Уч кунлик ташриф чоғида меҳмонлар шаҳар ҳокимлигида, Ўзбекистоннинг дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида қабул қилинадилар, Самарқандга борадилар.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати**

# ҚИСҚА сатрларда

❑ **ИСТИҚЛОЛНИНГ** 10 йиллиги айёми арафасида ҳамда Оналар ва болалар йили муносабати билан Собир Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласидаги 3-уйда истиқомат қилувчи маҳаллдошлар ташаббуси билан болажонлар учун дам олиш маскани бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

❑ **ЎТГАН** куни «Туркистон» саройида истиқлолимизнинг 10 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги бадиий жамоалар иштирокида бўлиб ўтган қўшиқлар кўрик-танлови «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланди. Кўрик-танлов ғолиблари ушбу қўшиқ байрамининг якунловчи босқичида ҳамда истиқлол айёми муносабати билан ўтадиган концерт тадбирида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

❑ **ЎТГАН** куни Шайхонтоҳур туманидаги 497-боғчада тарбиячилару мактаб остонасига қадам қўйиш арафасида турган тарбияланувчилар иштирокида «Хайр, боғча, салом, мактаб» деб номланган тадбир ўтказилди.

❑ **«ФАРҲОД»** деҳқон бозорида полиз маҳсулотлари билан савдо қилаётган деҳқонларга ҳам, харидорларга ҳам қулайликлар яратилмоқда. Айни кунларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келтирилаётган қовунтарвуз маҳсулотлари ортилган 60 та юк машинаси пойтахтликлар хизматида. Энг асосийси бу маҳсулотлар сифатига катта эътибор қаратилмоқда.

❑ **АЙНИ** кунларда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш қизғин давом этмоқда. Ёшларга 5 та ҳуқуқий йўналиш бўйича таълим беришга мўлжалланган Тошкент юридик коллежида ҳар куни 150 нафар ўқиш истагида юрган ёшлардан ҳужжат қабул қилинмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, ўқишни хоҳловчилар кўпчиликни ташкил этгани боис бир ўринга 4 нафар абитуриент даъвогарлик қилмоқда.

# ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, саноат қурилиши материаллари, транспорт ва алоқа мажмуининг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида ярим йиллик иш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

● Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида биринчи ярим йиллик иш якунларига бағишланган йиғилиши бўлди.

● Бухоро вилояти ғаллакорлари давлатга дон сотиш шартномавий режасини бажардилар. Қабул пунктларига 125 минг 703 тонна сара дон етказиб берилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий судида Хитой Халқ Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Чжу Миншан раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлди.

●Республика акциядорлик-тижорат «Савдогарбанк»нинг Навоий вилояти бўлими янги бинода иш бошлади.

● Тошкент Архитектура-қурилиш институтида магистратура босқичининг илк бор битирувчиларига магистрлик дипломини топширишга бағишланган кеча бўлиб ўтди.

● **Бугун** Жиззахнинг сўлим «Сангзор» масканида ёш ижодкорларнинг анъанавий семинар-кенгаши ўз ишини бошлайди.

●Оролбўйи аёлларининг дастлабки 350 нафари мамлакатимиз дам олиш масканларида саломатликларини мустаҳкамлаб қайтди. Уларни Нукус темир йўли вокзалида шаҳар жамоатчилик вакиллари кутиб олди.

## Жаҳонда

● **Кеча** Исроил Бош вазири А.Шароннинг Италияга икки кунлик расмий ташрифи бошланди. Исроилдан тарқатилган хабарларга қараганда ташриф давомида у Италия Бош вазири билан учрашиб, минтақадаги қалтис вазиятни юмшатиш борасида кўмакка чақиради.

● **Эртага** Франция халқи ўзининг миллий байрами — Бастилиянинг озод қилинишини нишонлайди.

● **Кеча** Москвада Халқаро Олимпия Қўмитасининг ўн иккинчи сессияси очилди. Сессия 2008 йилдаги Олимпиада қайси шаҳарда ўтиши ва Халқаро Олимпия Қўмитасининг янги президентини сайлаш каби масалаларни ҳал этади.

● **Кеча** Оқ уй маъмурияти ракетадан мудофаа тизими мамлакат учун катта сиёсий ва стратегик аҳамиятга эга эканига яна бир бор урғу бериб, ушбу тизимни яратиш режасини тезлаштиришини маълум қилди.

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин фармони билан мамлакат Ички ишлар вазирлигидаги бир қанча мулозимлар ўз вазифаларидан озод этилди.

● **Кеча** Венесуэлада рўй берган авиафалокат натижасида 16 киши ҳалок бўлди.

● Пентагон маъмурияти Аляскада ракетадан мудофаа тизимини синашга мўлжалланган машқ майдонини қуриш режасини тасдиқлади.

● Туркиянинг Арзурум вилоятида 5,4 баллик зилзила юз берди. Оқибатда 45 киши жароҳатланди, айрим турар жой биноларига шикаст етди.

● Таиландда бокс бўйича Қирол Кубоги учун ҳар йили ўтказиб келинаётган анъанавий халқаро турнирда 20 мамлакатдан 156 нафар спортчи иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари учта медалга сазовор бўлди.

## Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

**Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича олий ўқув юртлари педагоглари учун малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг машғулотлари ниҳоясига етди.**

ТАЪЛИМ

# Машғулотлар тугади

Машғулотларда якунланаётган ўқув йилида орттирилган тажриба ва синовдан ўтган методик ишланмаларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган кўзга кўринган олимларнинг қатор маърузалари тингланди, давра суҳбатлари уюштирилди. Улар савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар шаклида ўтди.

Олиб борилган дарсларда миллий истиқлол ғоясининг муҳим назарий масалаларига, илмий-услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштиришга эътибор қаратилди. Курсларда 400 га яқин педагог малакасини оширди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**Акмал Икромов туманидаги Ҳабиб Абдуллаев номидаги 193-мактабда «Ёшлар тарбиясида миллий урф-одатларимизнинг роли» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.**

ТАДБИРЛАР

# Ёшлар тарбиясига эътибор

Ушбу тадбир тумандаги Ҳ. Абдуллаев, «Янгиобод» ва Журжоний номли маҳалла аҳли билан ҳамкорликда ўтказилди.

Йиғилишда ота-оналар, мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда туман маънавият ва маърифат бўлими ходимлари иштирок этдилар. Тадбирда Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши ҳамда маҳалла жамғармасининг бош мутахассиси А. Азизова, 193-мактаб ўқитувчиси М. Гуломова ва ота-оналар сўзга чиқиб, ҳозирги кунда ёшларнинг таълим-тарбиясига эътибор ҳамда ёшлар тарбиясида миллий урф-одатларимизнинг роли тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

ҲУНАРМАНДЧИЛИК



# Томошақовокдан... миниатюра асарлари

**Ҳунарни зарга, ҳунармандни эса заргарга қиёс этишади. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳунармандчиликни ҳақиқий санъат даражасига етказиб ижод этаётган усталаримиз пойтахтимизда ҳам кўплаб топилади. Улар аждодларимиз меросидан фойдаланиб, уни давом эттириб, миллий қадриятларимизни тиклаш ҳамда азалий анъаналаримизни ривожлантиришда муҳим ҳисса қўшишмоқда.**

Ана шундай қўли гул усталардан бири, пойтахтимизнинг Миробод туманида ўтказилган «Ташаббус — 2001» кўрик танловининг ғолиби, «Энг яхши ҳунарманд» номига сазовор бўлган Сирожиддин Зиёмовдир. У бир неча йилдирки, «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш марказида миниатюра устаси сифатида меҳнат қилади. Пойтахтимиздаги Санъат институтининг амалий санъат бўлимида таҳсил олган Сирожиддин ўқишни тугатгач, ажойиб ва қизиқарли ҳунар билан шуғулланиб, унинг сирларини мукаммал эгаллади. Бугунги кунда унинг ижодий изланиш самараси бўлган миниатюра асарлари, нафақат мамлакатимизда, ҳаттоки хорижий давлатлар кўргазмаларида ҳам муваффақият қозониб келмоқда.

— Мен бу ҳунарни 20 йилдан буён эъзозлаб келмоқдаман, — дейди Сирожиддин Зиёмов. — Томошақовоқларнинг ҳар хил турига миниатюра шаклида безак бериб, улардан хилма-хил маҳсулотлар яратаман. Бу маҳсулотлардан ҳам фойдаланиш, ҳам эсдалик совға сифатида эъзозлаш мумкин. Ўз ижод жараёним давомида табиат ҳамда ҳайвонот оламини чуқур ўрганаман, аждодларимиз анъаналарига назар соламан, кишиларга завқ ҳамда яхши кайфият улашувчи рангларни топишга интиламан. Ранглар жилосида эса юртимга, унинг одамларига меҳримни қўшиб ифодалайман.

Сирожиддин ўз ҳунарини бекаму кўст давом эттириш учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланади, изланади, меҳнат қилади. Шуниси қувонарлики, у ўзи учун керакли хом ашё — томошақовоқларни 20 сотихли томорқасида етиштиради. Томошақовоқ уруғларини эса турли давлатлардан олиб келиб парваришлайди, уларнинг хилларини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Чунки улар унга илҳом бериб, ижодий изланишга, янги асарлар яратишга ундайди.

Истиқлол йилларида ҳунармандчиликка қаратилаётган эътибор, эркин ижодга яратилаётган имкониятлар Сирожиддинни ҳам руҳлантириб юборди. Мустақилликнинг бир йиллигига бағишлаб ўтказилган «Истеъдодларни излаймиз» кўрик-танловида у фахрли ўринни эгаллади. У қутлуғ кун — Республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллик тўйига ҳам муносиб совға ҳозирлаш ниятида меҳнат қилмоқда.

— Ўз изланишларим, меҳнатларим тажрибасини умумлаштириб, ўқув қўлланмаси тайёрлаш ниятидаман, — дейди С.Зиёмов. — Бу менинг бўлажак шогирдларимга, фарзандларимизга совғам бўлади.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

**СУРАТДА: ҳунарманд Сирожиддин Зиёмов ўз маҳсулотлари билан.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

ТАДҚИҚОТ

# Шифобахш вакциналар

Бугунги кунда турли вакциналар дори-дармон сифатида тиббиётда кенг қўлланилмоқда. Бунда Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг изланишлари билан юзага келган препаратлар етакчи ўрин тутмоқда.

Илмий муассаса цех ва участкаларининг янги техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши эса қатор замонавий вакцина ва зардобли препаратларни ишлаб чиқариш имконини берди: мураккаб технологияларнинг йўлга қўйилиши билан эса дори-дармонлари чиқаришни саноат асосида ташкил этишга замин яратди.

Брюшнотифозион бактериофаг, туберкулина сингари вакциналарни тайёрлашнинг истиқболли технологияси ҳам юзага келди. Шу асосда иммуномодулин, стафилококк вакцина каби дори-дармон воситалари кўплаб тайёрлашга киришилди.

Шунингдек, иммуноглобулин, аллергенлар, бўғма анатоксинлари каби яна қатор вакциналар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

САХОВАТ

# Фирма саъй-ҳаракати билан

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети республикамиздаги йирик олий ўқув юртларидан бири сифатида яхши танилган. Бу ерда унинг тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи музейнинг ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди.

Экспонатларга бой бўлган ушбу даргоҳни жиҳозлаш ишларини олиб боришда музейшунослик билан шуғулланиб келаётган «Ўткирбек» бадиий безаш фирмаси яқиндан ёрдам берди. Турли экспонатлар ҳам тайёрланди.

Музейга қўйилган «Буюк ипак йўли» макети ҳам эътиборни ўзига тортади. Бундан ташқари фирма олий ўқув юртида фаолият кўрсатаётган маънавият ва маърифат марказини очишга ҳам муносиб ҳиссасини қўшди.

**Азиз АҲМЕДОВ**

# Сўранг, жавоб берамиз

***Агар уй-жой мулк сифатида фарзандга совға қилиб берилса давлат божи учун неча фоиз пул тўлаш лозим?***

*Ш.Муҳсимов.*

Уй-жой фарзандга мулк сифатида совға қилиб берилса, давлат божи ҳадя этилаётган уй-жой инвентар баҳосидан кам бўлмаган, тарафлар шартномада кўрсатган суммадан 1 фоиз, лекин энг кам иш ҳақи миқдорининг 70 фоиздан кам бўлмаган миқдорида ундирилади.

* * *

***Бир корхонада 15 йилдан бери меҳнат қиламан, 2 фарзандим бор. Пенсияга чиқиш учун аёлларга қандай имтиёзлар белгиланган?***

*М.Юсупова.*

1999 йил 14 апрелда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонунга мувофиқ аёлларга ёшга доир пенсия улар камида 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлганларида 54 ёшдан бошлаб тайинланади.

Аёлларга юқорида кўрсатилган умумий асослардан ташқари имтиёзли шартлар асосида ёшга доир пенсиялар тайинланади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ 5 ва ундан ортиқ фарзандни туғиб (фарзандликка олинганлар ҳам киради) 8 ёшгача тарбиялаган аёлларга 50 ёшдан пенсия тайинланади.

* * *

***Отам вафотидан кейин оиламизда мол-мулкни бўлиш масаласида келишмовчиликлар келиб чиқмоқда. Айтингчи, бу масалада кимга мурожаат этишимиз лозим?***

*Т.Солиҳов.*

Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг ўзаро келишувига мувофиқ бўлиниши лозим, келишувга эришилмаган тақдирда суд орқали амалга оширилади. Сиз ўзингиз истиқомат қиладиган туман судига мурожаат этишингиз керак.

* * *

***Мен 3 фарзандим билан онамнинг уйида яшайман. Лекин қайд (прописка)миз илгариги турар-жойимизда. Айтингчи, менинг розилигимсиз ўша уй-жой эрим томонидан сотиб юборилиши мумкинми?***

*Д.Муродова.*

Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»нинг 24-моддасига асосан эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Шунга асосан сиз рўйхатда турган уй-жой сиз розилик бермасангиз сотилиши мумкин эмас.

* * *

***Мен 8 йилдан бери оилам билан келиним номидаги уйда яшаб келаман. Ҳамма коммунал тўловларини ўз вақтида тўлайман. Лекин биз шу хонадонга прописка қилинмаганмиз. Рухсат йўқ дейишади. Шу тўғрими?***

*А.Абдуллаев.*

Бу масалада сизга ўзингиз яшаб турган уй-жой жойлашган тумандаги Ички ишлар бошқармаси «Рўйхатга қўйиш, чиқариш, фуқаролик» бўлимига мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз.

**Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икром ИСМОИЛОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

* * *

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

НОДИР

# БЕШИНЧИ ГУЛШАН

Етти иқлим ичида Эрон мулки хуршиди тобонлардан бири бўлиб, бир неча юзлаб жаннат каби обод ва маъмур вилоятлари бордир. Фирдавсийнинг таъбирича, Эрон иқлимларнинг келинчагидир. Унинг баланд ҳимматли, фариштасифат, салобатли ҳукмдори бор эди. Бироқ унинг салтанатига валиаҳд бўлғудек фарзанди йўқ эди. Шу боис унинг кўнгул ойинаси хира тортиб, афсус-надомат билан умри ўтарди. У ўзига дерди, агар кимники ҳашамати (савлат) тўлиқ, авлодни давом эттирувчиси бўлмаса, у ному нишонсиз гўрга киргай. Гарчи мажнун хоҳ оқил бўлса-да зурриёт қолдириш гуруҳига доҳилдур. Бу кулфат шоҳнинг хотирига ўрнашиб, ақлда тумордек бўйнига осилган эди. Етим-есир, бева-бечора ва дарвешларга сийму зар улашарди. Ушбу ниятни мудом кўнглига жо қилиб, машойихлар хизматида бўларди. У дашту тоғларга работ, дарёларга кўприклар қурдирарди. Бир неча масжидлар бино қилдириб, азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қиларди. Ниҳоят илтижоси ижобат гулшанига яқинлашиб, ато дарёси мавж уриб, садаф найсон сувидан гавҳарга айланди. Неча кун ва неча ойлар ўтиб, бир фарзанд аржуманд оламга келди, наинки фарзанд балки кўзининг нури, танининг қуввати, кўнгул ҳузури. Бу гул салтанат уйини гулшанга айлантирди. Шоҳ фарзандини кўриб, тангрига ададсиз шукроналар қилди. Барча олиму фузалолар йиғилиб, болага Саодатшоҳ деб ном қўйдилар. Боланинг бошидан зару зевар сочиб, барчани мол-дунёдан баҳраманд қилдилар. Беваю бечора, гадою аҳли фахр, ҳамда беваю тулобу ош ва кийим-кечак билан тақдирландилар. Шоирлар мадҳ ўқиб, атторлар мушк-анбар ҳидини таратдилар. Номдор ҳунар аҳли сўз ҳунарини намойиш қилиб, инъомлар олардилар. Султон мунажжиму фолбинларга боқиб, адам (йўқлик) конидан келган бу гавҳар (фарзанд) тахту тожимнинг безагидир. Бу гавҳар замон ҳодисаларининг зарбидан ушалмасликни, ёш умри хазон бўлиб, тубсиз денгизга чўкмасмикин? Шул сабабли шаҳзоданинг толеъини қуръа солиб кўринглар, фол очиб аниқланглар, деди.

Барча мунажжимлар қўлларига устудлобларини олиб қуёши ойга назар солиб, бахт-иқболнинг кесилиш жойини кўрдилар. Улар тафаккур билан ҳисоблаб дедилар; эй султони олам, камолинг нури ҳаргиз кам бўлмасин! Саодат нахс уйига (икки сайёранинг бир-бирига яқинлашуви) яқиндур, саломат оҳу ғамга йўлдошдир. Унга уйқусида офат етгай, кўнгул ойинаси хиралангай, қанча чора-тадбир қўлланса ҳам натижа бермай, бора-бора аҳволи оғирлашгай. Бу ишдан охири девона бўлиб, жаҳон аҳлига афсона бўлгай. Бу сўзни эшитган шоҳ таҳайюр бармоғини тишлаб ҳайратга тушди ва кўп йиғлади. Ниҳоят, у тақдирга тан бериб, сатрни ўзига ҳамдам этди. Бир неча акобирзодаю бойваччаларни ўғлига ҳамроҳ этиб, бир неча созандаю хонандалар билан уларнинг анжуманини қизитиб, шоҳ элининг ўғлини мумтоз этди. Ана шундай айш-ишрат билан шаҳзода беш йилни ўтказди.

Кунлардан бир кун кечаси роҳат-фароғатда бўлиб, кўзи уйқуга мойил эди. Тасодифан унинг кўзига бир олий мақом гулшан намоён бўлиб, бир неча қизлар у ерда ҳозир эди. Мазкур гулшан гулшан эмас балки жаннат, қизлар эса қиз эмас — ҳурлар эдилар. У қизлардан бири сарчашма устида аридек савлат тўкиб турар, гўё барча қизлар орасида қизил гулдек эди. Унинг яноғида уч хол бўлиб, лабининг остида бир чуқурча мавжуддир. У ҳар қандай инсонни юзидаги холлари билан банд этиб, лаби остидаги чоҳга (чуқурча) ташлагудек эди. Бир холи ўнг юзида, яна бири чап юзида, яна бир холи лабининг остида эди. Саодатшоҳ муҳаббат ҳароратида қизнинг қўлини ушлаб, эй гулузору офат жон, то тирикдурман сени фаромуш қилолмайман. Ишқинг юрагимни пора-пора қилди, яна қайтиб ҳуснингни кўрармиканман? Қиз шаҳзодага табассум билан боқиб, нозу истиғно билан сўзлаб хитоб қилди: Висолимга етарсан кулфат билан, неча жабру жафою машаққат билан. Фалак мени юз хил найранг билан бир кишининг қўлида тутқин қилди деди-ю чақмоқдек сўниб, кўздан ғойиб бўлди. Шаҳзода ғаму ҳасратни ўзига ёр айлаб, оҳу нолалар билан уйқудан уйғонди. Шундан сўнг туну кун оҳ-нола билан анжуман аҳлининг айшини совитди. Ўзи ҳам қилтириқдек бўлиб, озиб-тўзиб кетди. Ўғлининг аҳволидан хабар топган шоҳ, чексиз ғам-андуҳ гирдобида сузиб, йиғлаб, эй нури дийдам, кошки азалда бу ғам яратилмаса эди, бу ҳасрат уйида юрмас эрдим, сени бу аҳволда кўрмас эрдим. Не учун бунчалик нолаю афғон қилурсан, нечун бундай дардга гирифтор бўлдинг? Санобардек қадди-қоматинг ёйдек букилиб, анжуман аҳлидан ҳуркадурсен?

Шаҳзода отасига мунғайиб деди: эй подшоҳи олам ва эй қиблагоҳим. Менинг вужудим сен туфайлидур. Бир кеча кўзим уйқуга кетди, ўшал дам бир неча ҳур талъатлар гулшан аро намоён бўлди. Улардан бири — пари пайкар менга сўз қотиб, мени фиғону нолага ҳамхона қилди. Агар унинг висолига етишмак чораси топилмаса, кўнглим дардининг давоси ҳаргиз топилмас. Бу дарду аламга ўлимдан ўзга чора бўлмаса керак. Отаси ўғлининг дардини билиб, юрак-бағри эзилди. Шоҳ вазирни чақириб унга воқеани изҳор этиб, бирор чора-тадбир топишни маслаҳат қилди. Вазир деди: эй шоҳим бу уйқуга топилмас ҳеч бир таъбир. Бинобарин, бу ишни иложини топмоқ мушкул ишдир, бу ҳаммаси кўнгул кўчасидаги бекорчи хаёлдир! Агар шаҳзода бу ерда ётаберса охири ўлимга мубаддал бўлур, агар сафар қилса висол умиди билан ҳамда муҳаббат шавқи юриб жаҳонни тамошо қилиб, яхши-ёмонни кўргай. Сафар машаққатлари охири жонидан ўтиб, саёҳатдан кўнгли қолур ҳамда оҳу нолалар ҳам йўқолгай. Ана шу тадбирни қўлласак, унинг дардига муолажа бўлгай, деди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**
**(Давоми бор).**



## ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...

# Хокисор инсон ёди

Халқимизда «Ён қўшни, жон қўшни» деган мақол бежиз айтилмаган экан. Табиийки, инсон ҳар қандай вазиятда қўшнисига эҳтиёж сезади.

Юнусободдаги кўп қаватли уйлардан бирида истиқомат қилаётганимизда таниқли ижодкор Сайёр ака ҳам кўчиб келди. Не бахтки, эшигимиз рўпара бўлган ажойиб ҳамсояга дуч келдик. Бу оилага барча қўшнилар ҳавас қилишар, ҳеч кимнинг бирор бир тадбири уларсиз ўтмас эди. Наврўз байрамининг эртаси (улуғ кун)да Сайёр ака бандаликни бажо келтирганини эшитиб, қулоқларимизга ишонмадик. Бандалик экан-да... Охиратлари обод бўлсин!

Эл севган адиб Сайёр акани маҳалламиз аҳли ажойиб инсон сифатида эъзозларди. Чунки Сайёр ака барча ёшу қарига бир хил муносабатда бўлар эдилар. Шу атрофда яшовчи болалар ҳам Сайёр бобосини жуда ҳурмат қилишар, беназир суҳбатларидан баҳраманд бўлар эдилар.

Сайёр ака қизимиз Паризодга ва кенжатойимиз Шамшодга атаб, ҳазил-қувноқ шеър ёзиб қолдирган эканлар. Бу шеърларни у кишининг ҳаётлик чоғларида бирор бир нашрга бермаганимдан ҳамон афсус чекамиз.

Ҳурматли «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририяти! Шу иккала шеър газетангиз саҳифасида чоп этилса, миннатдор бўлар эдик. Шояд, Сайёр аканинг руҳлари таскин топса...

**Азамат СУЮНОВлар оиласи**

**СУРАТДА: таниқли шоир Сайёр неваралари билан. (Сурат оила архивидан олинган).**

## ҚЎШНИ ҚИЗАЛОҒИМ

**Менинг қўшни қизалоғим,**
**Исми асли Паризод.**
**Мактабида чин аълоғим**
**Билим олар ёддан-ёд!**

**Мактаб бориш унга байрам,**
**Қачон таътил демайди!**

**Чопқиллайди яйраб-яйраб**
**Ёзни унча севмайди!**

**Ниятлари жуда улуғ,**
**Орзулари жуда мўл!**
**Ҳаммасини, деймиз, қутлуғ**
**Паризодхон омон бўл!**

## ТАНИЙСИЗМИ?

**Танийсизми? Бизнинг уйда**
**Шамшод деган бола бор.**
**Чопиб юрар кўча-кўйда,**
**Кўнгли очиқ, беғубор!**

**Футбол тепса осмонгача**
**Етганида у ҳам шод.**
**Ўйнар хоҳланг то тонггача**
**Шундоқ чарчамас**
**Шамшод!**

**Энди кўрсам, у ўқишга**
**Тоза шўнғиб кетибди.**
**Тайёр туриб ҳар бир ишга**
**Аълоларга етибди!**

**Қувончлари**
**мўл-мўл бўлсин,**
**Ҳеч бўлмасин у кам, шод.**
**Орзулари қалбга тўлсин,**
**Ўсиб-унсин у Шамшод!**

**САЙЁР**

## БУ — ҚИЗИҚ

# ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

• Энг кўҳна кўприк милоддан аввалги 3200 йилда барпо этилган. Шунингдек, тахминан милоддан аввалги 2650 йилларда Нил дарёси устига ташланган кўприк ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Бугунгача сақланган энг кўҳна кўприк сифатида эса Туркиянинг Измир шаҳридан оқиб ўтувчи Мелес дарёси устига ташланган кўприк тилга олинади. У тахминан милоддан аввалги 850 йилларда қурилган.

• Энг баланд кўприк эса АҚШнинг Колорадо штатидаги Райял Горж дарасидан оқиб ўтувчи Арканзас дарёси устига ташланган. Қурилиши 1929 йилнинг 6 декабрида тугалланган мазкур осма кўприк сув сатҳидан 321 метр баландликда атиги 6 ой ичида барпо этилган. Энг узун зина Швейцариянинг Шпиз шаҳри яқинидаги Низен тоғига олиб чиқади. У жами 11674 та зинапоядан иборат бўлиб, 2365 метр баландликка чўзилгандир.

**Дилдора СОДИҚОВА**

## БУ АЖИБ ДУНЁ

### «Севги анатомияси»

Севишганларнинг кўзлари чақнаб туради, деган гап юради эл орасида. Бироқ шу олий туйғуга эга бўлган кишиларнинг мияларида ҳам ана шундай ҳодиса содир бўлар экан.

Лондон университетининг олимлари Вашингтонда ўтказилган нейрохирургия органлари жамиятининг конгрессида ўзларининг кўп йиллик тажрибаларининг натижаси ўлароқ севги ром этган кишилар ўз севгилиларига рўбарў келганда уларнинг миялари фаолроқ ишлашини маълум қилдилар. Шу аснода миянинг баъзи зоналари ёриша бошлар экан.

Англиялик олимлар «севги анатомияси»ни ҳозирги замон техник воситалари орқали кузатиб шундай хулосага келганлар. Олимлар севги домига илинган бир қанча йигит ва қиз талабаларда бўладиган ўзгаришларни ўрганганлар. Йигит изтиробларга солган барнонинг сурати экранда пайдо бўлиши биланоқ кузатилаётган объект дарҳол таъсирланган, уни мия қобиғининг қон оқиб келган олд қисми ва бошқа зонаси ҳам ўзидан ёруғлик чиқарган. Яъни инглиз олимлари тили билан айтганда «романтик севги» учун «жавоб» берадиган зоналари ёруғлашган.

### Ким кўп ичади?

Шу савол юзасидан алкоголизмнинг олдини олиш Франция миллий ассоциацияси қатор давлатлар ҳамда вино, пиво ва кучли алкоголли ичимликлар ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тадқиқот ишларини амалга оширди. Натижада 1-ўрин Португалияга (йилига жон бошига 11,3 литр алкоголли ичимлик), 2-ўрин Люксембургга (11,2 литр) берилди. Кейинги ўринларни рўйхатда Франция, Венгрия, Испания, Чехия, Дания, Олмония, Австрия, Швейцария, Ирландиялар эгалладилар.

### Энг узоқ бўса

Ё ажаб!.. Узоқ бўса олиш бўйича янги рекорд ўрнатилди. Нидерландиянинг Роттердам шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада Нелли деган ёш хоним ва унинг шериги 34 соат 11 дақиқа 37 сония давомида ўпишиб, аввалги кўрсаткич — 29 соатни ортда қолдиришди.

### Янги машина

Франциянинг «Peugeot» автокомпанияси янги русумдаги машиналар ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. «Peugeot» 406 Coup деб аталмиш ушбу авто дизель ёқилғиси ёрдамида ҳаракатланади. Энди бу машина 10,9 сония ичида 100 километрлик тезликка эга бўла олади.

### Сирли хазина

Кучли шамол туриб олма дарахтини илдизи билан суғуриб кетди. Бу ҳодиса Эстониянинг Каунас шаҳри атрофидаги бир қишлоқ мактабининг боғида рўй берди.

Эртасига қулаган дарахтни бир четга олиб қўймоқчи бўлган мактаб ўқувчилари дарахт илдизи ўрнида ҳосил бўлган чуқурликда бир хумни кўриб қолишди.

Уни очиб қарашса, ичи олтин тангалар билан лиқ тўла экан. Тангалар ичида 1824 йилда чиқарилган бир нечта Америка доллари ҳам бор эди.

Археологлар бу хазина сирини очиш устида бош қотиришмоқда.

### Ғаройиб ҳукм

Испаниялик судья Эмилио Калаталюд 15 ёшли ўғрига нисбатан ғаройиб ҳукм чиқарди. Суд жараёнида ўсмирнинг ғирт саводсизлиги маълум бўлди. Судья уни мажбуран ўқиш ва ёзишни ўрганишга ҳукм қилди.

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Олимлардан Муҳаммад ибн Аҳмад айтади:

— Нодон киши кўнглига нима келса, шуни ишлашга киришади. Ишининг оқибати нима бўлишини ўйламайди, тажриба қилинмаган, синалмаган, одамнинг сўзига ишониб иш олиб боради, ўзига ишонч кўп бўлади. Мақтаганни хўш кўради, бир нарса тўғрисида сўрасалар шошилиб жавоб беради. Маърифатдан холи, бўш ва хатоси кўп бўлади, ўнгга ва чапга кўп қарайди, мутакаббир ва мағрур бўлади, ножўя сўзларни сўзлашдан тортинмайди, тили аччиқ бўлади, оғзидан ширин сўз чиқмайди, айтилган сўзга тушунмайди, кулса қаттиқ кулади, йиғласа қичқириб йиғлайди.

Мана шу каби ярамас одатларга эга бўлган кишиларга нодон одам дейилади.

Байт:

**Донога ёндошгил, қоч нодондан сен,**<br>**Ҳатто у хавфлидир доно душмандан.**

● Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатлигидан дарак беради.

● Кўполлик — руҳий қашшоқлик.

● Аҳлоқий босиқлик — эзгуликдир.

● Эй, фарзанд, тавозели ва адабли одам халқнинг муҳаббатини ўзига жалб қилади, дўстлик гулшанида ёрқинлик гулларини очилтиради ва у гулшандан яқинлик, меҳрибонлик ва улфат базмида ҳар хил хушҳидли гуллар сочади. Мутакаббирга юмшоқлик томон йўл кўрсатади.

● Тавозе ва адаб ёши кичикларни катталар дуосига сазовор қилади, катталар кўнглига кичикларнинг меҳр-муҳаббатини солади. Адабли ва тавозели ёшни халқ қадрлайди. Мутакаббир, фақат ўз манфаатларини кўзловчилар жоҳил ва нодонлар адаб, тавозе нуридан маҳрумдирлар.

● Ақлли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина қутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

● Бир улуғ киши айтади: «Кишининг қалбида тўрт гавҳар бўлиб, бу тўрт гавҳарнинг тўртта душмани ҳам бўлади. Биринчиси — ақл гавҳаридир. Унинг душмани — ғазабдир. Иккинчиси — илм гавҳари, унинг душмани — такаббурликдир. Учинчиси — қаноат гавҳари. Унинг душмани — ҳирсдир. Тўртинчи — саҳийлик гавҳари. Унинг душмани — таънадир.

Байт:

**Ширин сўзли шилгай душман пўстини,**<br>**Дағал сўзли душман қилур дўстини.**

● Хушфеъл одам доимо роҳатда бўлади, уйқусида ҳам қўрқмайди. Чунки инсон бедорликда нимани одат қилган бўлса, уйқусида ҳам ўшани кўради.

● Ота-онангга қандай муомала қилган бўлсанг, фарзандларингдан ўша муомалани кут.

● Таъмагир бўлмаслик зарурки, балоларнинг хилма-хили ана шу таъмагирлик сабабли юз беради. Одам арзимас нарсаларга ҳам жаҳлини чиқаравермаслиги керакки, кишига жаҳлдан ҳам кучлироқ душман йўқ. Чунки жаҳли чиққан одам ўзини билмайди.

● Ҳинд ҳакими айтади: сабру чидамли одам пушаймонлик тортмайди: кам қийналган одам кам роҳат топади. Уялиш ёшларга чирой, кексаларга айб. Ботирлик аскарларга чирой, ўғриларга эса айб. Уч тоифа одамни кўрмай туриб ҳам севиш мумкин: олимни, саҳийни ва одил кишини.

● Анушервон Бузургмеҳрдан сўради:

— Бахтли одам ким?

— Уч нарсани уч нарса билан безаган, яъни фикрини тўғрилик билан, сўзни ростлик билан, феълни саховат билан, — деди у.

Яна сўради:

— Номуносиб дўстдан қандай қутулса бўлади?

— Зиёратига бормаслик ва нарса сўрамаслик билан, — деди у.

Яна сўради:

— Покиза инсонлардан қандай узр сўралади?

— Хожатини раво қилиш билан.

Яна сўради.

— Яширин сирлар қачон ошкор бўлади?

— Мастликда.

У сўрашда давом этди:

— Кўришдан кўзга қувват ва нур ҳосил қиладиган нима?

— Вафодор хотин ва қобул фарзандлар, — деди у.

Яна сўради:

— Жондан ҳам ширин нарса нима?

— Беғараз дўст суҳбати, — деди у.

— Аччиқ бўлса-да, ўта ширин нима?

— Кучли ғазабни ичга ютиш, — деди у.

Байт:

**Дунёда қолдими кўрмаган нарсам,**<br>**Кўрдим деб гердайма, не кўрибсан кам,**<br>**Бир одам қалбини овлай олдингми?**<br>**Инсон қалбидан борми кенг олам?!**

● Ўзидан бошқани билмайдиганлар мислсиз фазилатлар ахтарадилар.

● Барча мақтанчоқларнинг бирдан бир қисмати шуки, улар эртамикечми, ҳар қалай панд ейишади.

● Баъзи кишилар ўзларининг кучи ва қудрати етмаган нарсага беҳуда интиладилар. Бу ишнинг уддасидан чиқишга имконлари бўлмагач, обрўни кетгазмаслик учун қўлларини силтаб: «Бўлмаган нарса ҳеч фойдасиз, бўлганидан бўлмагани яхши, кони зиён», деб уни ёмонлаш пайида бўладилар.

ҲИКОЯТ. Бўри билан шер ўзаро келишиб овга чиқдилар. Бир ерга етиб келишгач, бўри шерга қараб: «Қўйларнинг овозини эшитяпсанми? Ҳозир мен улардан бирини тутиб келаман. Сен овора бўлмай шу ерда туроқол», — деди ва бирга бормоқчи бўлган шерни бормасликка, бу ишни бир ўзи осонгина уддалай олишига кўндирди. Ҳовлиқиб қўйлар томон йўл олган бўри қўйларни баланд девор билан ўралган қўтон ичида эканлигини ва чўпонларнинг бақириб-чақириб юрганини кўрди. Девордан ошиб тушишга юраги бетламай, ночор орқага қайтди ва шерга деди:

— Бу ердаги қўйларнинг ҳаммаси ориқ экан, уларга вақт сарфлаб ўтиришга ҳам арзимайди. Бироз семиришсин ўшанда келамиз.

Байт:

**Такаббурлик — жонсиз бир мато,**<br>**Ювса калта, қилмагин хато.**

## САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

# Ортиқча вазн

Ортиқча вазндан халос бўлишни хоҳловчилар орамизда кўплаб топилади. Қуйидаги тест сўровлари озиш чорасини кўра олиш ёки олмаслигингиздан сизни огоҳ қилади. Бунинг учун сиз ўнта саволга очиқчасига жавоб беришингиз керак.

**Калит:** «Ҳа» деган жавоб учун ўзингизга 10 очко ёзинг, «йўқ» жавобига эса 0 — йўқ.

1. Мунтазам эрталабки гимнастика билан шуғулланасизми?
2. Ўзингиз истеъмол қилаётган таом калориясидан ҳамиша ҳам хабардормисиз?
3. Тез-тез, аммо оз-оздан, масалан, кунига 6 марта овқатланасизми?
4. Ўз вазнингизни назорат қилиб, мунтазам ўзингизни торттириб турасизми — ҳеч бўлмаса ҳафтасига бир марта бўлса ҳам.
5. Ҳамиша ҳам хонадонингизда сузма, пишлоқ, қайнатилган гўшт топиладими?
6. Қорнингиз очиқмаган ҳолатда кимдир сизни улфатни қўллаб-қувватлаш маъносида ғазак қилишга мажбур қилса — ўзингизни тийиб қола оласизми?
7. Уйингизда ширинликлар узоқ туриб қоладими ёки уларни тезгина йўқ қилиб ташлашадими?
8. Қорнингиз тўйиб қолса, тарелкадаги овқатни емай қолдиришга қурбингиз етадими?
9. Вақт-вақти билан қандайдир ўзингиз суйган таом ҳақида ўйлаб қоласизми?
10. Ҳозирги овқатланиш режими шароитида сиз ўзингизни яхши ҳис этяпсизми?

**НАТИЖА**

**30 баллгача.** Сиз ўз овқатланиш режимингизни тўлиқ ўзгартиришингиз керак. Акс ҳолда сиз ортиқча вазнингиздан ҳеч қачон қутула олмайсиз.

**40-60 балл.** Агар сиз овқатларингизни бундан буён ҳам яхшилаб кузатиб бориб, мунтазам гимнастика билан шуғуллансангиз, ортиқча вазндан албатта халос бўласиз.

**70-100 балл.** Ирודангиз кучли экан. Сиз тез орада кераксиз вазнингиздан қутуласиз.

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# Бошқотирма

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Қадимги юнон муаррихи ўзининг «Тарих» асарида маълумотлар ёзиб қолдирган Марказий Осиёнинг ўтмиш халқлари орасида машҳур бўлган жангнома намунаси, қаҳрамон аёл ҳақидаги афсона. 2. Мактуб тарзида ёзилган назмий асар. 3. Зулфия ижодига мансуб шеър. 4. Мумтоз адабиётга хос шеърий вазн. 5. Мумтоз шоир Дурбек достони қаҳрамони. 6. Шеър тури. 7. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги олтинчи ҳикоя қаҳрамони. 8. Марказий Осиё ва Хуросонда таниқли ижодкорларнинг ғазал ва достонларини ёддан маҳорат билан айтувчи киши. 9. Хоразм диёрида машҳур бўлган достон номидан «...ошиқ Ғариб». 10. Мардлик ва паҳлавонлик тимсоли сифатида гавдалантирилган «Шоҳнома» достонидаги қаҳрамон. 11. Саъдий Шерозий асари. 12. Нозик фаҳмлилик билан айтилган мўъжаз ҳажвий ҳикоя. 13. Ўзбек мумтоз масалнавис ижодкори. 14. Ватанпарварлик тимсоли бўлган, жангнома мазмунидаги энг қадимий афсоналардан бири. 15. Жаҳон бадиий ижоди намояндаси, ғазал мулкининг султони. 16. Аёллар жасорати мадҳ этилган ўзбек халқ эртаги. 17. XVIII аср шоири ва адабиётшуноси Лутфалибек Озар меросига мансуб ижодкорлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар берувчи асар. 18. XIX аср ўзбек шоири, тарихнавис олими, таржимон. 19. «Муҳаббатнома» достонини ёзиб қолдирган XIV аср ўзбек адабиёти намояндаси. 20. Муҳим тарихий воқеалар ва машҳур шахслар ҳақида кўтаринки услубда ёзилган шеърий асар. 21. «Қиссаи-Сайфулмулк» ишқий-саргузашт достони муаллифи. 22. Халқ оғзаки ижоди тури. 23. Бадиий ижод соҳаси. 24. Сўз кўрки. 25. Шоир асарларининг мукаммал тўплами. 26. Темурийзода ҳукмдор, ўзбек мумтоз шоири ва олими. 27. Абулқосим Фирдавсий ёзиб қолдирган ноёб достон. 28. Маълум бир ғояни аниқ сиймоларда ифодалаш. 29. Адиблар ҳақида қисқа маълумот берилиб, асарларидан намуналар келтирилган тўплам.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**




**Газетанинг шу йил 6 июль сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Энига:** 5. Маҳалла. 6. Тавалло. 8. Самарқанд. 11. Медео. 12. Мезон. 13. Динор. 16. Пай. 18. Какаду. 19. Ибодат. 20. Дол. 24. Девон. 25. Олимп. 26. Ўрдак. 29. Заргарлик. 30. Қовунчи. 31. Чойхона.

**Бўйига:** 1. Галилей. 2. Улфат. 3. Жамна. 4. Олимхон. 7. Призма. 9. Бешбармоқ. 10. Тиллакори. 14. Уламо. 15. Ирода. 16. Пуд. 17. Йил. 21. Оқибат. 22. Меҳржон. 23. Фарғона. 27. Парча. 28. Симоб.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1.Қодир. 2. Ғалаба. 3. Кеш. 4. Ринг. 5. Дарс.

**Ҳикмат:** Оқил кишининг қалбини сирлар сандиғи деб билгин.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Шайхонтоҳур туманида кўз очиб юмгунча йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ кўнгилсиз воқеа рўй берди. Фуқаро Б.С. «ВАЗ» — 21011» русумли енгил машинани бошқариб кетаётиб, тўсатдан пиёдани уриб юборди. Натижада, пенсионер жиддий тан жароҳати олиб шифохонага ётқизилган бўлса ҳам унинг ҳаёти сақлаб қолинаолмади.

● Акмал Икромов тумани ИИБ навбатчилик қисмига кечаси бир хабар тушди. Унда айтилишича, Чилонзорда яшовчи М. В. ўзаро жанжал оқибатида қўшниси П. В.ни ўткир тиғли жисм билан уриб, тан жароҳати етказган. Натижада П.В. чап кўкрак қисмига санчилиб — кесилган, ботиб кирган тан жароҳати билан воқеа жойида вафот этди. Ушбу жиноят бўйича ашёвий далиллар тўпланиб айбланувчи қўшнига нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

● Нопок йўл билан даромад қилишни кўзлаган, ўз мақсадига эришиш учун фуқароларни алдаб пешона тери билан топган пулини олишни касб қилган ҳамюртларимиз кўплаб учраб турибди, ки. Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи Р.Н. хусусий тадбиркорлар Х.Д. да А.М.ларни алдаб Хитой Халқ Республикасидан мол олиб келиб бераман, деб роса лақиллатган ҳамда 11.000 АҚШ долларини олиб қайтариб бермаган.

● Худди шундай Юнусобод туманида П.З. фуқаро А.А.ни Жанубий Кореяга ишга жўнатаман, деб алдаб 1000 АҚШ долларини олиб кўздан ғойиб бўлган. Ишонувчан жабрланувчиларга нисбатан содир этилган фирибгарлик юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, айбдорлар ўз қилмишлари учун терговда жавоб бермоқдалар.

● Маълумки гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш, тайёрлаш, олиш, сотиш, сақлаш, ташиш, жиноят ҳисобланади. Миробод туманида Н.Т. текширилганда унинг ёнидан сотиш учун мўлжалланган, одамга кучли таъсир этувчи марихуана наркотик моддаси топилди. Шунингдек Чилонзор туманида олий ўқув юртининг талабаси О.С. тўхтатиб кўздан кечирилганда унинг ёнидан героин гиёвандлик воситаси тортиб олинди. Юқоридаги икки ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Ўқотар қуролларни ғайриқонуний сақлаш бирор бир жиноятга сабаб бўлади. Уларни контрабанда йўли билан республикамиз ҳудудига олиб кириш ёки рўйхатдан ўтмаган қуролни олиб юриш таъқиқланади. Собир Раҳимов тумани милиционерлари 16 калибрли Тоз русумли ов милтиғини контрабанда қилиб Ўзбекистонга кириб келган Ю.Д.ни қўлга олдилар.

● Айни пайтда шаҳримизда «Тўсиқ» номли тадбир ўтказилаётганига қарамасдан ҳар хил жиноятлар содир этилмоқда. Ҳамза тумани ички ишлар ходимлари Боткин қабристонидаги А.П.нинг қабри устига ўрнатилган рангли металлдан ясалган ёдгорликни ўғирлаган Е.А. исмли шахсни қўлга олди. Суриштирув ва тергов натижасида далилий ашёлар топилди. Иймонини йўқотган, ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари қора курсини кўрган бу кимса яна бир бор қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

**Замон ЭШОНҚУЛОВ,**<br>**Тошкент шаҳар ИИББ**<br>**Матбуот маркази жамоатчи мухбири.**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 209**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-2607. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6